

ИЛМИЙ ҲАЁТ

ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА

“ХОРИЖИЙ ТИЛНИ БИЛИШНИНГ УМУМЕВРОПА КОМПЕТЕНЦИЯСИ: ЎРГАНИШ, ЎРГАТИШ, БАҲОЛАШ”



4-БОБ: ТИЛДАН ФОЙДАЛАНИШ, ТИЛДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ/ЎҚУВЧИ

4.5 Мулоқот жараёнлари

Сўзловчи, тингловчи, ёзувчи ёки ўқувчи ролини бажариш учун ўқувчилар бир қатор кўникмаларга эга бўлишлари керак.

Сўзлаш учун ўқувчига зарур бўладиган кўникмалар:

- хабарни режалаштириш ва ташкил этиш (когнитив кўникма);
- фикрни тилда шакллантириш (тил кўникмалари);
- фикрни талаффуз қилиш (фонетик кўникма).

Ёзиш учун ўқувчига зарур бўладиган кўникмалар:

- хабарни режалаштириш ва ташкил этиш (когнитив ва тил кўникмалари);
- матнни қўлёзма ёки босма тарзда ёзиш (ёзув кўникмаси) ёки бошқа бирор-бир усул билан матнни қоғозга тушириш.

Тинглаш учун ўқувчига зарур бўладиган кўникмалар:

- фикрни қабул қилиш (фонетик кўникма);
- оғзаки хабарни идентификациялаш (тил кўникмаси);
- хабарни тушуниш (семантик кўникма);
- хабарни талқин этиш (когнитив кўникма).

Ўқиш учун ўқувчига зарур бўладиган кўникмалар:

- ёзилган матнни идрок қилиш (ўқишнинг техник кўникмалари);
- ҳуснихатни таниш (орфографик кўникма);
- хабарни идентификациялаш (тил кўникмаси);
- хабарни тушуниш (семантик кўникма);
- хабарни талқин этиш (когнитив кўникма).

Мазкур жараёнларнинг кўриб чиқиладиган босқичлари яхши ўрганилган. Бошқа босқичлар, масалан, марказий асаб тизимида рўй берадиганлари яхши ўрганилмаган. Таклиф этиладиган таҳлилда жараёнларнинг фақатгина мулоқот фаолиятини ривожлантириш учун муҳим бўлганларигина кўриб чиқилади.

4.5.1 Режалаштириш

Тилдан фойдаланувчининг/тил ўрганувчининг мулоқотга оид истакларини амалга ошириш мақсадида нутқий фаолиятга тааллуқли умумий ва мулоқот компетенцияларининг таркибларини танлаш, ўзаро алоқаси ва мувофиқлаштириш.

4.5.2 Бажариш

4.5.2.1 Туғилиш

туғилиш жараёни иккита таркибий қисмдан иборат бўлади:

Ифодалаш – биринчи таркибий қисм бўлиб, режалаштириш натижаларига асосланади ҳамда уни лингвистик шаклга ўзгартиради. Бу жараёнда лексик, грамматик, фонологик (ёзувда эса орфографик) ўзгаришлар юз беради ва уларни фарқлаш жуда осон ҳамда улар бир қадар мустақил бўлади (масалан, дисфазия мисолида), аммо ушбу ўзгаришларнинг ўзаро алоқаси тўлиқ ўрганилмаган.

Талаффуз қилиш/ёзиш – иккинчи таркибий қисм бўлиб, фонологик жараёнлар натижаларини оғзаки фикрни ташкил қилувчи бир қатор товуш тўлқинларини ҳосил этувчи нутқ органларининг ўзаро мос тарздаги ҳаракатига айлантириш мақсадида товуш аппаратининг фаоллашувидан иборатдир; у, шунингдек, қўл мушакларининг уйғонишида намоён бўлиши ҳам мумкин, бу эса қўлёзма ёки босма матннинг юзага келишига хизмат қилади.

4.5.2.2 Идрок этиш

Идрок этиш жараёнини тўрт босқичга бўлиш мумкин. Улар биринкетин содир бўлади (юқорига кўтарилиб бориш тартибида), ҳамда дунё ҳақидаги тасаввурлар, схематик тахминлар ва онг остида кечувчи интерактив жараён натижасида матнни янгича тушуниш натижасида доимий равишда янгиланиб ва янгича талқин этилиб боради (пастлаб бориш тартибида).

- матн ва нутқни идрок этиш; товушларни/ҳарфларни(қўлёзма ва босма) таниш;
- матн ёки унинг бир қисмини идентификациялаш;

- матнни лингвистик жиҳатдан яхлитлик сифатида семантик ва когнитив тушуниш;

- хабарнинг контекстдаги талқини.

Бунинг учун зарур бўлган кўникмалар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- идрок этиш;
- хотира;
- кодланган матнни ўқиш;
- маънони чиқариш (семантик хулоса);
- тахмин қилиш;
- тасаввур;
- матннинг тезкор сканер қилиниши;
- матндаги мазмуний боғлиқликларни аниқлаш.

Тушунишни, айниқса, ёзма матнлар учун, қўшимча материаллардан, шу жумладан, қуйидаги маълумотномалардан тўғри фойдаланган ҳолда осонлаштириш мумкин:

- луғатлар (бир ва кўп тилли);
- тезауруслар;
- фонетик луғатлар;
- электрон луғатлар, грамматика, таҳрирлагичлар ва бошқа ёрдамчи дастурлар;
- грамматика маълумотномалари.

4.5.2.3 Интеракция

Оззаки интеракция тинглаш ва гапиришнинг оддий навбат алмашиб келишидан урта параметрга кўра фарқ қилади:

- туғилиш ва идрок этиш жараёнлари бир-бирининг устига тушади. Ҳали суҳбатдошлардан бири фикрларини тугатмасидан туриб, иккинчиси хабарнинг табиати, аҳамияти ва талқин этиш йўлларида келиб чиқиб, жавобни тайёрлаб туради.

- дискурс тўпловчи характерга эга бўлади. Интеракция жараёнида иштирокчилар вазиятни баҳолашда яқинлашишади, тахминларни ишлаб чиқишади, ҳамда диққатларини муҳим жиҳатларга қаратишади. Ушбу жараёнлар туғилажак фикрлар шаклида ўз аксини топади.

Ёзма интеракцияда (масалан, хат, факс, электрон почта орқали хабар ва бошқаларни алмашишда) идрок этиш ва туғилиш жараёнлари бир-биридан вақт нуқтаи назаридан ортда қолади (умуман олганда, электрон алоқа

воситалари ёрдамида, масалан, Интернет орқали мулоқот “реал вақтдаги” мулоқот билан яқинлашиб бормоқда).

4.5.3 Мониторинг (назорат)

Стратегик компонент мулоқот жараёнида фикрий ҳаракатлар ва компетенцияларни қайта баҳолашдан иборат бўлади. У идрок этиш жараёнига ҳам, туғилиш жараёнига ҳам тааллуқли бўлади. Қайд этиш керакки, туғилиш жараёнлари устидан назоратда сўзловчи/ёзувчи шакллантириш, артикуляция ва талаффуз босқичларининг ҳар бирида кузатиб борадиган реципиент(лар)нинг жавоб реакцияси муҳим роль ўйнайди.

Кенг маънода эса стратегик босқичда мулоқот жараёнининг назорати ва қуйидаги каби юзага келувчи муаммоларни ечиш амалга оширилади:

- кутилмаган элементларнинг киритилишига, масалан, мулоқот соҳасининг, мавзусининг ва бошқаларнинг ўзгаришига реакция билдириш;
- мулоқот жараёнида хотирадаги сусайишлар каби омиллар сабаб юзага келадиган бўшлиқларни тўлдириш;
- берилган вазифани тушуниш учун номувофиқ мулоқот компетенцияси (компетенция стратегияларидан, масалан, қайта тузиш, бош тортиш, алмаштириш, ёрдам сўраш, фойдаланиш йўли билан тўлдирилади);
- нотўғри тушуниш ва талқин этиш (изоҳ беришни сўраш йўли билан тўлдирилади);
- эшитиб идрок этиш жараёнидаги янглиш сўзлар, хатолар (тузатиш стратегияларидан фойдаланиш ҳисобига тўлдирилади).

Қуйидаги саволларни ўйлаб кўриш ва уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:

- тил ўрганувчи мулоқот вазифаларини муваффақиятли бажариши учун қандай кўникмалар, қай даражада керак;
- унда қандай кўникмалар бор, қайсиларини эса ривожлантириш керак;
- ўқувчи қандай маълумотнома материалларидан фойдаланишига тўғри келади/зарур/мумкин.

4.6. Матнлар

2 бобда тушунтириш берилганидек, “матн” деганда тил ўрганувчи/тилдан фойдаланувчи қабул қиладиган, ўзлаштирадиган, ёки алмашадиган ёзма ёки оғзаки шаклдаги исталган матн парчаси тушунилади. Шундай қилиб, тилдан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган исталган

мулоқот акти матн юзага келишига сабаб бўлади; нутқий фаолият турлари ва тил жараёнлари тилдан фойдаланувчи/тил ўрганувчи ёки исталган суҳбатдошнинг матнга нисбатан таҳлил ва тасниф қилинади. Матн яқунланган маҳсулот, артефакт ёки тугалланмаган маҳсулотнинг мақсади ёхуд маҳсулоти бўлиши мумкин. Фаолиятнинг мазкур турлари ва жараёнлар тўғрисида 4.4 ва 4.5 бандларда батафсилроқ тўхтаб ўтилган. Матнлар жамият ҳаётида кўп турдаги вазифаларни бажаради ва шунга қараб шакл ва мазмун жиҳатидан фарқланади. Амалга ошириш воситалари, мақсадлари ва функцияларидаги фарқ нафақат хабар мавжуд бўлган контекстда, балки унинг тузилиш ва тақдим этилишида ҳам тегишли ўзгаришларга олиб келади. Табиийки, матнларни жанрига кўра таснифлаш мумкин. Шунингдек, 5.2.3.2 қисмга қаранг (макрофункциялар).

4.6.1 Матнлар ва уларни узатиш каналлари

Ҳар бир матн маълум бир канал орқали узатилади. Одатда, улар товуш тўлқинлари ёки ёзма артефактлар ҳисобланади. Матннинг туғилиш ва идрок этилиши жараёнларига таъсир кўрсатувчи узатиш каналининг жисмоний характеристикаларига мос равишда каналлар кейинчалик таснифланиши мумкин, масалан, нутқ учун, омма олдидаги чиқиш ёки телефон орқали сўзлашувдан фарқли равишда нутқнинг тўғридан-тўғри ёзиб олиниши, босма матн учун қўлёзма матн ёки бошқа ёзувлардан фарқли равишда. Каналлардан бири орқали мулоқотни амалга ошириш учун тилдан фойдаланувчи/тил ўрганувчи зарур сенсор/ҳаракатга оид воситаларга эга бўлишлари керак. Агар улар нутқни тинглаётган бўлишса, маълум бир шароитларда яхши эшитиш ҳамда талаффуз қилиш органларини назорат қилиш қобилиятига эга бўлишлари зарур. Одатий ёзма матн шароитида уларда кўриш қобилияти яхши бўлиши ва қўл ҳаракатини бошқара олишлари керак. Бундан ташқари, уларда, биз таърифлаб ўтган, бир томондан, матнни идрок этиш, тушуниш ва талқин қилиш, иккинчи томондан эса, матнни ташкил қилиш, шакллантириш ва туғилишини таъминлаш имконини берадиган билим ва кўникмалар бўлиши зарур. Бу нарса матннинг табиатидан қатъи назар ўзгармайди.

Юқорида баён этилганлар ўқишда қийинчиликлари бор, ёки идрок этиш/талаффуз қилиш имкониятлари чекланган инсонларнинг чет тилини ўрганишга бўлган қизиқишини сўндириб қўймаслиги керак. Оддий эшитиш аппаратларидан бошлаб кўриш таянчи бўлган нутқнинг компьютер синтезаторларигача сенсор/талаффуз қилишда жиддий нуқсонлари бор инсонларга қийинчиликларни енгиб ўтишда кўмак бериш учун яратилган. Мос келадиган услуб ва стратегиялардан фойдаланиш таълим олишда

қийинчиликларга учрайдиган ёшларга чет тилини ўрганишда сезиларли натижаларга эришиш имконини беради. Лабга қараб ўқиш, қолдиқ эшитишдан фойдаланиш ва фонетик машқлар орқали эшитиш қобилиятида сезиларли нуқсонлари бор кишилар иккинчи ёки чет тилини мулоқот даражасида ўрганишда юқори натижаларга эришишлари мумкин. Агар одамларда интилиш ва мақсад бўлса, улар мулоқот, матнни яратиш ва тушунишга ҳалал берадиган ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишлари мумкин.

Умуман олганда, исталган матн исталган канал орқали узатилиши мумкин. Шунга қарамай, узатиш каналлари ва матн ўзаро узвий боғлиқ бўлади. Одатда, ёзма матнлар оғзаки нутқ сингари тўлиқ аҳамиятли фонетик маълумотни етказиб бера олмайди. Алифбога асосланган ёзув ўзида мунтазам просодик маълумотни (урғу, интонация, паузалар, стилистик редуция ва бошқалар ҳақида) жамламайди. Консонант ёки логографик ёзув яна ҳам камроқ маълумотни ўзида жамлаган бўлади. Паралингвистик характеристикалар гарчи роман, пьеса ва бошқаларнинг матнларида акс этса ҳам, ҳар қандай турдаги ёзма матнларда акс этмайди. Лекин ёзувда паратекстуал характеристикалар ўз аксини топади: улар узатишнинг маконий канали билан боғлиқ бўлиб, нутқда мавжуд бўлмайди. Бундан ташқари, матнни узатиш каналининг характери матннинг табиатига сезиларли даражада таъсир кўрсатади ва аксинча. Қуйида мутлақо бир-бирига зид мисолларни кўриб чиқамиз. Тошга ўйиб ёзиш мушкул ва қиммат иш, аммо у узок йиллар ўчмай сақланади. Авиапочта орқали жўнатилган хат арзонга тушади, ундан фойдаланиш осон, аммо у енгил ва мўрт бўлади. Электрон кўринишдаги хатни эса умуман сақлаб қўйишнинг ҳожати йўқ. Мазкур каналлар орқали узатиладиган матнлар ҳам фарқ қилади. Биринчи ҳолатда матн яхши ўйланган ва қисқа, келгуси авлодлар учун муҳим маълумотни сақлаб қолиш учун мўлжалланган ва ушбу матнда улуғланаётган инсонлар ва жойга нисбатан ҳурмат-эҳтиромга тўла бўлади. Бошқа ҳолатда эса тезкор ёзилган шахсий хат муҳим, аммо қисқа муддатли қизиқиш уйғотади. Шундай қилиб, матнларнинг турлари ва уларни узатиш каналлари ўртасида, худди матнлар ва фаолият турлари ўртасида бўлгани каби ўзига хос боғлиқлик юзага келади. Китоблар, журналлар ва газеталар ўз табиати ва ташқи кўриниши жиҳатидан матнни узатишнинг бошқа-бошқа каналларидир.

Табиати ва мазмунининг тузилишига кўра, улар шунингдек, матнларнинг ҳар хил турлари ҳисобланади. Матн ва уни узатиш канали ўзаро узвий боғлиқ ва ҳар иккиси ҳам бажарадиган вазифасига боғлиқ бўлади.

4.6.2 Матнни узатиш каналари

- овоз (жонли овоз);
- телефон, видеотелефон, телеконференция;
- овоз кучайтиргич тизимлар;
- радио;
- кинофильмлар;
- компьютер (электрон почта, CD-rom ва бошқалар);
- видеоёзув, видеокассета, видеодиск;
- аудиоёзув, аудиокассета, аудио-компакт-диск;
- босма;
- манускрипта бошқалар.

Қуйидаги саволларни ўйлаб кўриш ва уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:

• тил ўрганувчи қуйидаги ҳолатларда қандай каналлардан фойдаланиши зарур/мумкин/керак:

а) туғилишида; б) идрок этишида; в) интеракцияда; г) медиацияда.

4.6.3 МАТНЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Оғзаки:

- овоз кучайтиргич орқали эълон ва тушунтиришлар;
- омма олдида чиқишлар, маърузалар, нутқлар, ваъзхонликлар;
- диний маросимлар;
- кўнгилочар тадбирлар (пьесалар, шоу, ўқишлар, концертлар);
- спорт шарҳлари (футбол, крикет, бокс, от спорти ва бошқалар);
- янгиликлар дастурлари;
- дебатлар ва мунозаралар;
- диалоглар ва суҳбатлар;
- телефон орқали сўзлашувлар;
- суҳбат ўтказиш.

Ёзма:

- бадий ва бадий бўлмаган китоблар, шу жумладан адабий журналлар; журналлар;
- газеталар;
- қўлланмалар («Ўзинг яса», ошпазлик китоблари ва бошқалар);
- дарсликлар;

- юмористик нашрлар;
- брошюралар, проспектлар;
- варақалар;
- реклама материаллари;
- жамоат жойларидаги огоҳлантириш белгилари ва ёзувлари;
- унвесам, дўкон ва бозорлардаги белги ва ёзувлар;
- қадок идишлари, кутилар ва маҳсулот ёрликларидаги ёзувлар;
- билетлар ва бошқалар;
- формулярлар ва анкеталар;
- луғатлар (бир ва икки тилли), тезауруслар;
- иш юзасидан ёзишмалар, факслар;
- шахсий ёзишмалар;
- эссе ва машқлар, фармойишлар, нутқлар, ишга оид қоғозлар;
- кичик хатлар;
- маълумотлар базаси (янгиликлар, адабиёт, умумий маълумот ва бошқалар).

Қуйидаги В Иловада таърифланган Швейцария лойиҳасига асосланган шкалаларда ёзма матн оғзаки ёки ёзма хабарга муносабат сифатида яратиладиган фаолият турларига мисоллар келтирилган. Гарчи нисбатан куйироқ даражаларда ҳам оддий оғзаки ёки ёзма матнларга жавоб тариқасида ёзма матнлар яратиш қобилияти назарда тутилса ҳам, фақат ушбу фаолият турларини юқори даражада эгаллаган инсонгина университет таълими ёки касбий тайёргарлик талабларига жавоб бериши мумкин.

	ЁЗУВЛАР-КОНСПЕКТЛАР (МАЪРУЗА, СЕМИНАРЛАР ВА БОШҚАЛАР) ЮРИТИШ
C2	<i>Сўзловчи нимани назарда тутаётгани ва нимага ҳавола бераётганини тушунади ҳамда нима назарда тутилаётгани ва табиийки, нима ҳақда гапирилаётгани ҳақидаги қайдларни ёзиб қўя олади.</i>
C1	<i>Ўзини қизиқтирадиган мавзудаги маърузалар пайтида бошқалар ҳам фойдалана оладиган даражада аниқ ва батафсил қайдлар юритиши мумкин</i>
B2	<i>Ўзига таниши мавзудаги аниқ тузилишига эга маърузани тушуна олади ва ўзига муҳим бўлиб туюлган маълумотларни ёзиб бориши мумкин, ammo бу жараёнда аксарият ҳолларда эътиборини сўзларга қаратгани боис маълумотнинг бир қисмини ёддан чиқариб қўяди.</i>

B1	<i>Маъруза вақтида гап ўзини қизқитирадиган мавзуда бораётган бўлса ҳамда маъруза аниқлиги ва равон тузилиши билан ажралиб турса, кейинчалик фойдаланиш мақсадида аниқ қайдларни юритиши мумкин.</i>
	<i>Агар мавзу ўзига таниш, нутқ оддий, талаффуз аниқ ва равон бўлса, оддий маъруза пайтида муҳим жиҳатларни акс эттирувчи рўйхат шаклидаги қайдни юритиши мумкин.</i>
A2	<i>Дескриптор мавжуд эмас</i>
A1	<i>Дескриптор мавжуд эмас</i>

МАТННИ ҚАЙТА ИШЛАШ	
C2	<i>Турли манбалардан олинган маълумотни асослаш тизимини қайта яратиш ва натижада боғланган матнлар тузиш ҳисобига умумлаштириши мумкин.</i>
C1	<i>Узун мураккаб матнни қисқача баён этиб бериши мумкин.</i>
B2	<i>Ҳаётий ва ўйлаб топилган воқеалар ҳақидаги матнларни бир- бирини инкор этувчи ҳолатларни ва асосий мавзуларни изоҳлаган ҳолда турли-туман матнларни қисқача баён эта олади.</i> <i>Ўз ичига турли фикр, далил ва мулоҳазаларни олган ахборий мақола, интервью ёки ҳужжатли фильм мазмунини қисқача баён этиб бериши мумкин.</i> <i>Фильм ёки спектакл воқеалари сюжети ва кетма-кетлигини қисқача қайта сўзлаб бера олади.</i>
B1	<i>Турли манбалардан парча- парча маълумотларни йиғиб, уни яна кимгадир қисқача айтиб бера олади.</i> <i>Бирламчи матндаги шакл ва тузилишдан фойдаланган ҳолда қисқа ёзма парчаларни оддий тилда қайта баён этиши мумкин.</i>
A2	<i>Ўқувчининг чекланган билимлари тажрибаси доирасидан чиқмайдиган у қадар катта бўлмаган матндаги муҳим сўзлар ёки қисқа гапларни танлаб олиб қайта сўзлаб бера олади.</i> <i>Босма ёки чиройли хат билан ёзилган нусхадан қисқа матнни қайта кўчириб ёза олади.</i>
A1	<i>Босма шаклда тақдим этилган алоҳида сўзлар ва қисқа матнларни кўчириб ёзиши мумкин.</i>

Қуйидаги саволни ўйлаб кўриш ва уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:

• *тилни ўрганувчи қуйидаги ҳолатларда матннинг қандай турлари билан тўқнаш келиши зарур/мумкин/: а) тузилишида; б) идрок этишида; в) интеракцияда; г) медиацияда.*

4.6.1 дан 4.6.3 гача бўлган қисмлар матн турлари ва узатиш каналларига бағишланган. Жанр тушунчаси билан боғлиқ бўлган саволлар мазкур монографиянинг “Прагматик компетенциялар” деб номланган 5.2.3 бандида кўриб чиқилади.

Қуйидаги саволларни ўйлаб кўриш ва уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:

• *а) ўқувчиларга тавсия этилаётган оғзаки ва ёзма матнларни танлаш, мослаштириш ва тузишида; в) матнлар билан ишлашнинг тавсия этилаётган усулларида; с) ўқувчилар томонидан бажарилган матнларни баҳолашда нутқий фаолиятининг маҳсулий, рецептив ва интерактив турларида сўзлаш, эшитиш, ўқиш ва ёзувни таъминловчи воситалар ва психолингвистик жараёнларда фирқлар эътиборга олинадими, олинса, қай даражада;*

• *ўқувчи ва ўқитувчилар а) ўқув дискурсининг, в) матнлардаги топшириқ ва жавобларнинг, с) ўқув ва маълумот материалларининг матний характеристикалари билан таништириладими, агар таништирилса, қай тарзда;*

• *ўқувчилар а) ўзларининг мулоқот мақсадларига; в) фойдаланиш контекстига (соҳалар, реципиентлар, вазиятлар, чекловларга); с) қўлланиладиган воситаларга мос келадиган матнлар тузишига ўргатиладими, агар ўргатилса, қай тарзда.*

4.6.4 Матнлар ва фаолият турлари

Туғилиш, яратиш жараёнининг маҳсули талаффуз этилган ёки ёзилган пайтидан бошлаб турли воситалар ёрдамида етказиладиган ва яратувчисидан мустақил бўлган артефактга айланади. Шундан кейин матн нутқни идрок этиш жараёнида келиб тушадиган маълумот сифатида мавжуд бўлади. Ёзма артефактлар улар тошга ўйиб ёзилганми, қўлда ёзилганми, босмами, ёки электрон кўринишдами, бундан қатъи назар, аниқ объектларга айланади. Улар вақт ва маконда бевосита алоқа мавжуд бўлмаса-да, мулоқот жараёнини таъминлайди; айнан мана шу хусусият кўп жиҳатдан жамият ҳаётини белгилаб беради. Оғзаки ўзаро муносабатли алоқа (интеракция) жараёнида эфемер ва қайта тикланмайдиган товуш тўлқинларидан иборат акустик каналдан фойдаланилади. Дарҳақиқат, камдан-кам одамлар суҳбат жараёнида ҳозиргина айтган гапларини сўзма-сўз қайта такрорлай олишади. У ўзининг

мулоқот вазифасини бажариб бўлиши билан, агар хотирада яқунланган бир бутунлик сифатида сақланиб қолган бўлса, ўчириб ташланади. Аммо, замонавий технологиялар товуш тўлқинларини ёзиб олиш ва узатиш ёки бошқа воситаларда сақлаб кейинчалик нутқий товушларга айлантириш имконини беради. Шундай қилиб, матнни яратувчи ва олувчини вақт ва маконда ажратиш имконияти пайдо бўлади. Қолаверса, ўз-ўзидан юзага келган мулоқот ва суҳбатнинг ёзувлари транскрипция қилиниши ва матн сифатида таҳлил этилиши мумкин. Шу билан бирга, мулоқот фаолияти таърифларининг категориялари ва ушбу фаолият маҳсули бўлган матнлар ўртасида албатта корреляция мавжуд бўлади. Амалда уларнинг биринчисини ҳам, иккинчисини ҳам таърифлаш учун битта сўздан фойдаланиш мумкин. “Таржима” ҳам таржима қилиш жараёнини, ҳам яратилган матннинг ўзини англашиши мумкин. Худди шунингдек, “суҳбат”, “муҳокама”, “интервью” ҳам ҳамкорларнинг нутқий ўзаро муносабати ва коммуникатив интеракциясини, ҳам тегишли жанрга мос келадиган муайян турдаги матнни ташкил қилувчи фикрлар кетма-кетлиги алмашишини билдириши мумкин.

Нутқни яратиш, идрок этиш, интеракцияси ва медиацияси жараёнларидаги фаолиятнинг барча турлари реал вақтда амалга оширилади. Нутқнинг реал вақтдаги табиати ҳам сўзлаш ва тинглаш, ҳам улрани бевосита амалга ошириш усулида намоён бўлади. Оғзаки нутқда “гача” ва “дан кейин” бир хил маънога эга бўлади. Маконий жиҳатдан (“хомаки матнлар” бундан мустасно) статик бўлган ёзма матнда бу жуда ҳам мажбурий эмас. Яратилиш жараёнида ёзма матн таҳрир қилиниши, кенгайтирилиши ёки қисқартирилиши мумкин. Гарчи матн элементлари тимсоллар занжири каби чизикли кетма-кетликда жойлашган бўлса-да, улар қандай тартибда яратилганини аниқ айтолмаймиз. Идрок этиш жараёнида ўқувчининг кўзи матн бўйлаб исталган йўналишда, худди ўқишни энди ўрганаётган бола сингари чизикли кетма-кетликни аниқ такрорлаган ҳолда эркин ҳаракат қила олади. Муаллиф ёки муҳаррир ўқиш жараёнини бошқариш, қолаверса, матн йўналтирилган ўқувчининг қизиқишларидан келиб чиқиб, матнни режалаштириш учун паратекстуал воситалардан фойдаланиши мумкин (4.4.5.3 га қаранг). Шу тарзда оғзаки матн ҳам олдиндан режалаштирилиши мумкин.

Исталган нутқий фаолиятда матн ўз яратувчиси ва олувчиси ўртасидаги ташқи объектив алоқа сифатида марказий ўрин тутаети. Қуйида келтирилган диаграмма схематик шаклда тилдан фойдаланувчи/тил ўрганувчи (у “Компетенциялар”да тадқиқотнинг марказий предмети ҳисобланади), суҳбатдош(лар), фаолият турлари ва матнлар ўртасидаги ўзаро алоқани кўрсатиб беради.

1. Нутқнинг яратилиши. Тилдан фойдаланувчи/тил ўрганувчи аксарият ҳолларда дарҳол муносабат билдиришлари талаб этилмайдиган бир ёки бир неча тингловчи ёки ўқувчи томонидан масофадан туриб қабул қилинадиган оғзаки ёки ёзма матн яратади.

1.1. Сўзлаш

(тингловчи).

Фойдаланувчи —► **товуш тўлқинлари** —► **Тингловчи**

(тингловчи).

1.2. Ёзув

(ўқувчи).

Фойдаланувчи —► **ёзма матн** -+ **Ўқувчи**

(ўқувчи).

2. Нутқни идрок этиши. Тилдан фойдаланувчи/тил ўрганувчи бир ёки ундан ортиқ сўзловчи ёки ёзувчининг матнини, аксарият ҳолларда масофадан туриб ва жавоб муносабати билдириш заруратисиз матнни қабул қилади.

2.1. Аудиялаш

(сўзловчи)

Сўзловчи —► **товуш тўлқинлари** —► **фойдаланувчи**

(сўзловчи)

2.2. Ўқиш

(ёзувчи)

Ёзувчи —► **ёзма матн** **фойдаланувчи**

(ёзувчи)

3. Интеракция. Фойдаланувчи/тил ўрганувчи суҳбатдош билан алоқавий диалогга киришади. Диалог матни ҳар бир томон навбатма-навбат айтадиган ва қабул қиладиган фикрлардан ташкил топади.

фойдаланувчи ↔ **дикурс** ↔ **суҳбатдош**

фойдаланувчи → 1-матн → суҳбатдош

фойдаланувчи ← 2-матн ← суҳбатдош

фойдаланувчи → 3-матн → суҳбатдош

фойдаланувчи ← 4-матн ← суҳбатдош

ва бошқалар.

4. **Медитация** фаолиятнинг икки турини ўз ичига олади.

4.1. Таржима. Фойдаланувчи/тил ўрганувчи сўзловчининг ёки ёзувчининг матнини бир тилда ёки кодда (Y_x) идрок этади ва масофадан туриб бошқа инсон – тингловчи ёки ўқувчи идрок этиши учун бошқа тилда ёки кодда (Y_y) параллел равишда матн яратади.

$\text{Ёзувчи}(Y_x) \rightarrow \text{матн}(Y_x) \rightarrow \text{фойдаланувчи} \leftrightarrow \text{матн}(Y_y) \leftrightarrow \text{суҳбатдош}(Y_y)$

4.2. Оғзаки таржима. Фойдаланувчи/тил ўрганувчи битта билдан (коддан) фойдаланмайдиган суҳбатдошлар ўртасидаги алоқавий мулоқот (интеракция) жараёнида воситачи сифатида матнни бир тилда (Y_x) тинглайди ва бошқа тилда (Y_y) тегишли матнни чиқаради.

$\text{Суҳбатдош}(Y_x) \rightarrow \text{дикурс}(Y_x) \rightarrow \text{фойдаланувчи} \leftrightarrow \text{дикурс}(Y_y) \leftrightarrow \text{суҳбатдош}(Y_y)$

$\text{Суҳбатдош}(Y_x) \rightarrow \text{матн}(Y_{x1}) \rightarrow \text{фойдаланувчи} \leftrightarrow \text{матн}(Y_{y1}) \leftrightarrow \text{суҳбатдош}(Y_y)$

$\text{Суҳбатдош}(Y_x) \rightarrow \text{матн}(Y_{x2}) \rightarrow \text{фойдаланувчи} \leftrightarrow \text{матн}(Y_{y2}) \leftrightarrow \text{суҳбатдош}(Y_y)$

$\text{Суҳбатдош}(Y_x) \rightarrow \text{матн}(Y_{x3}) \rightarrow \text{фойдаланувчи} \leftrightarrow \text{матн}(Y_{y3}) \leftrightarrow \text{суҳбатдош}(Y_y)$

$\text{Суҳбатдош}(Y_x) \rightarrow \text{матн}(Y_{x4}) \rightarrow \text{фойдаланувчи} \leftrightarrow \text{матн}(Y_{y4}) \leftrightarrow \text{суҳбатдош}(Y_y)$

Юқорида санаб ўтилган ўзаро муносабат фаолияти (интеракция) ва медиация турларига қўшимча равишда кўплаб фаолият турлари мавжуд бўлиб, уларда тилдан фойдаланувчи/тил ўрганувчидан матнли жавоб ёки матнли омил яратиш талаб қилинади. Оғзаки савол, ёзма йўриқномалар серияси (масалан, имтиҳон рукнлари), аутентик ёки махсус тузилган матн ва бошқалар, шунингдек, матннинг ушбу турлари комбинацияси матнли омил бўлиши мумкин. Талаб этиладиган матнли жавоб эса битта сўздан тортиб уч соатли эссегача бўлган исталган матн бўла олади. Я1 ёки Я2 да ҳам идрок этиладиган, ҳам яратиладиган матн оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин. Мазкур иккита матн ўртасида семантик алоқа бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Мос равишда тахминан 24 турдаги фаолият ажратиб кўрсатилиши мумкин. Масалан, куйидаги ҳолатларда (6-жадвал) матнлар ўрганилаётган тилда ҳам қабул қилинади, ҳам маҳсулланади.

Бундай матнли фаолият (1 матн – 2 матн) кундалик мулоқотда учрайди, фаолиятнинг ушбу турлари тилни тадқиқ этиш/тил ўрганиш ва тест олишда кўпроқ учрайди. Маънони узатиш бўйича механик фаолият турлари

(такрорлаш, диктант, овоз чиқариб ўқиш, фонетик транскрипциялаш) сунъийлиги боис замонавий мулоқотли йўналтирилган таълимда оммабоп ҳисобланмайди.

6-жадвал. «Матн 1 – Матн 2» фаолият турлари

Идрок этиладиган матн		Ишлатиладиган матн			
Канал	Тил	Канал	Тилнинг сақланиши	Маънонинг сақланиши	Фаолият тури (мисоллар)
оғзаки	Я.2	оғзаки	Я.2	Ҳа	Такрорлаш
оғзаки	Я.2	ёзма	Я.2	Ҳа	Диктант
оғзаки	Я.2	оғзаки	Я.2	Йўқ	Оғзаки савол/жавоб
оғзаки	Я.2	ёзма	Я.2	Йўқ	Я2даги оғзаки саволларга ёзма жавоблар
ёзма	Я.2	оғзаки	Я.2	Ҳа	Овоз чиқариб ўқиш
ёзма	Я.2	ёзма	Я.2	Ҳа	Қайта кўчириш, транскрипциялаш
ёзма	Я.2	оғзаки	Я.2	Йўқ	Я2даги ёзма рукнларга оғзаки жавоб
ёзма	Я.2	ёзма	Я.2	Йўқ	Я2 даги ёзма рукнларга ёзма жавоб

4.5 Мулоқот жараёнлари

Сўзловчи, тингловчи, ёзувчи ёки ўқувчи ролини бажариш учун ўқувчилар бир қанча кўникмаларга эга бўлишлари керак.

Сўзлаш учун ўқувчига зарур бўладиган кўникмалар:

- хабарни режалаштириш ва ташкил этиш (когнитив кўникма);
- фикрни тилда шакллантириш (тил кўникмалари);
- фикрни талаффуз қилиш (фонетик кўникма).

Ёзиш учун ўқувчига зарур бўладиган кўникмалар:

- хабарни режалаштириш ва ташкил этиш (когнитив ва тил кўникмалари);
- матнни кўлёзма ёки босма тарзда ёзиш (ёзув кўникмаси) ёхуд бошқа бирор-бир усулда матнни қоғозга тушириш.

Тинглаш учун ўқувчига зарур бўладиган кўникмалар:

- фикрни қабул қилиш (фонетик кўникма);

- оғзаки хабарни идентификациялаш (тил кўникмаси);
- хабарни тушуниш (семантик кўникма);
- хабарни талқин этиш (когнитив кўникма).

Ўқиш учун ўқувчига зарур бўладиган кўникмалар:

- ёзилган матнни идрок қилиш (ўқишнинг техник кўникмалари);
- ҳуснихатни таниш (орфографик кўникма);
- хабарни идентификациялаш (тил кўникмаси);
- хабарни тушуниш (семантик кўникма);
- хабарни талқин этиш (когнитив кўникма).

Мазкур жараёнларнинг кўриб чиқиладиган босқичлари яхши ўрганилган. Бошқа босқичлар, масалан, марказий асаб тизимида рўй берадиганлари яхши ўрганилмаган. Таклиф этиладиган таҳлилда жараёнларнинг фақатгина мулоқот фаолиятини ривожлантириш учун муҳим бўлганларигина кўриб чиқилади.

4.5.1 Режалаштириш

Тилдан фойдаланувчининг/тил ўрганувчининг мулоқотга оид истакларини амалга ошириш мақсадида нутқий фаолиятга тааллуқли умумий ва мулоқот компетенцияларининг таркибларини танлаш, ўзаро алоқаси ва мувофиқлаштириш.

4.5.2 Бажариш

4.5.2.1 Туғилиш

туғилиш жараёни иккита таркибий қисмдан иборат бўлади:

Ифодалаш – биринчи таркибий қисм бўлиб, режалаштириш натижаларига асосланади ҳамда уни лингвистик шаклга ўзгартиради. Бу жараёнда лексик, грамматик, фонологик (ёзувда эса орфографик) ўзгаришлар юз беради ва уларни фарқлаш жуда осон ҳамда улар бир қадар мустақил бўлади (масалан, дисфазия мисолида), аммо ушбу ўзгаришларнинг ўзаро алоқаси тўлиқ ўрганилмаган.

Талаффуз қилиш/ёзиш – иккинчи таркибий қисм бўлиб, фонологик жараёнлар натижаларини оғзаки фикрни ташкил қилувчи бир қатор товуш тўлқинларини ҳосил этувчи нутқ органларининг ўзаро мос тарздаги харакатига айлантириш мақсадида товуш аппаратининг фаоллашувидан иборатдир; у, шунингдек қўл мушакларининг уйғонишида намоён бўлиши ҳам мумкин, бу эса қўлёзма ёки босма матннинг юзага келишига хизмат қилади.

4.5.2.2 Идрок этиш

Идрок этиш жараёнини тўрт босқичга бўлиш мумкин. Улар биринкетин (юқорига кўтарилиб бориш тартибида) содир бўлади ҳамда дунё ҳақидаги тасаввурлар, схематик тахминлар ва онг остида кечувчи интерактив жараён натижасида матнни янгича тушуниш сабабли доимий равишда янгиланиб ва янгича талқин этилиб боради (пастлаб бориш тартибида).

- матн ва нутқни идрок этиш; товушларни/ҳарфларни(кўлёзма ва босма) таниш;
- матн ёки унинг бир қисмини идентификациялаш;
- матнни лингвистик жиҳатдан яхлитлик сифатида семантик ва когнитив тушуниш;
- хабарнинг контекстдаги талқини.

Бунинг учун зарур бўлган кўникмалар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- идрок этиш;
- хотира;
- кодланган матнни ўқиш;
- маънони чиқариш (семантик хулоса);
- тахмин қилиш;
- тасаввур;
- матннинг тезкор сканер қилиниши;
- матндаги мазмуний боғлиқликларни аниқлаш.

Тушунишни, айниқса, ёзма матнлар учун, қўшимча материаллардан, шу жумладан, қуйидаги маълумотномалардан тўғри фойдаланган ҳолда осонлаштириш мумкин:

- луғатлар (бир ва кўп тилли);
- тезауруслар;
- фонетик луғатлар;
- электрон луғатлар, грамматика, таҳрирлагичлар ва бошқа ёрдамчи дастурлар;
- грамматика маълумотномалари.

Н. ҚОСИМОВА таржимаси.